

**СУНЬИЙ ИНТЕЛЛЕКТ ВА МЕДИАСАВОДХОНЛИК ИНТЕГРАЦИЯСИ
АСОСИДА ТАЛАБАЛАРНИНГ МУСТАҚИЛ ЎҚИШ ВА МЕТАКОГНИТИВ
ФАОЛИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ**

Кадирова Х.Б. –

Низомий номидаги ЎзМПУ доценти

Бугунги кунда рақамли технологияларнинг жадал ривожланиши таълим тизимига янгича талаблар қўймоқда. Айниқса, сунъий интеллект технологияларининг таълим жараёнига кириб келиши педагогларга ҳам, талабаларга ҳам кенг имкониятлар яратмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида” ги ПФ–5847-сонли. Фармонида замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланиш, талабаларнинг рақамли компетенцияларини ривожлантириш устувор вазифалар қаторида белгиланган.

Жаҳонда таълим тизимининг рақамлаштирилиши шароитида сунъий интеллект (АИ) технологиялари таълим мазмуни, шакли ва методларини тубдан ўзгартирмоқда. Айниқса, АИ асосидаги адаптив ўқув платформалари талабаларнинг индивидуал хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда билим олиш имкониятини яратади. Бироқ рақамли муҳитда ахборот оқимининг ортиши талабаларда медиасаводхонликни шакллантиришни долзарб масалага айлантirmoқда.

Медиасаводхонлик ахборот манбаларини танқидий таҳлил қилиш, ишончли маълумотни сохтасидан ажрата олиш ҳамда медиаматнлар билан онгли ишлаш қобилиятларини қамраб олади. Ушбу жараёнлар метакогнитив фаолият - яъни талабанинг ўз ўқиш жараёнини англаши, режалаштириши, назорат қилиши ва баҳолаши билан узвий боғлиқ. Шу боис сунъий интеллект ва медиасаводхонлик интеграцияси асосида талабаларнинг мустақил ўқиш ва метакогнитив фаолиятини ривожлантиришни илмий жиҳатдан асослаш муҳим аҳамият касб этади.

Тушунчалардан бири - метакогнитив жараён тушунчасига тўхталадиган бўлсак, бу ўз фикрлаш жараёнини кузатиш, ўз ақлий фаолияти ҳақида фикр юритиш, эҳтимолий нотўғри ёки самарасиз қарорларимиздан хабардор бўлишни билдиради. Этимологик жиҳатдан “метакогнитивлик” қадимги юнонча *мета* - “юқорида”, “ортида” [1] ва лотинча *согнитион* - “билим” сўзларидан келиб чиққан. Шу сабабли метакогнитивлик “билим ҳақида билим” ёки “фикрлаш ҳақида фикр юритиш”, яъни ўз когнитив жараёнларимизни билиш ва улардан хабардор бўлиш қобилиятини англатади [2].

Структуравий жиҳатдан метакогнитивликни иккита асосий компонентга бўлиш мумкин. Биринчиси - **метакогнитив билим** (метакогнитив тасаввурлар) бўлиб, у хотира, эътибор ва ўрганиш қобилияти ҳақидаги билимларни ўз ичига олади. Иккинчиси - **когнитив тартибга солиш тизими** бўлиб, у режалаштириш, кузатиш, баҳолаш ҳамда муаммони ҳал қилиш стратегияларини қўллаш жараёнини ўрганишни англатади.

Метакогнитивлик масалалари қадимги Юнонистонда Аристотель (милоддан аввалги 384-322) томонидан бошланган бўлиб, у ўз асарларида - “*Рух ҳақида*” ва “*Парва Натуралия*”- инсон руҳияти ва ақлий фаолиятига оид назарияларни илгари сурган. Метакогнитив фаолият муаммоси таълим психологияси ва педагогика фанларида муҳим илмий йўналишлардан бири ҳисобланади. Ушбу тушунча илк бор Ж. Флавелл томонидан илмий мёмалага киритилган бўлиб, олим метакогницияни шахснинг ўз билиш жараёнлари ҳақидаги билими ҳамда уларни онгли равишда назорат қилиш қобилияти сифатида таърифлайди. Флавелл таълимотида метакогнитив фаолият **метакогнитив билим ва метакогнитив назорат** каби икки асосий компонентдан ташкил топган [3].

А. Браун тадқиқотларида метакогнитив стратегияларнинг (режалаштириш, мониторинг ва баҳолаш) ўқув фаолияти самарадорлигига бевосита таъсири илмий жиҳатдан асослаб берилган. Олимнинг таъкидлашича, мазкур стратегиялар талабаларнинг мустақил ўқиш қобилиятини ривожлантиришда ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Ушбу назарий хулосалар

мазкур тадқиқотда метакогнитив фаолиятни асосий тадқиқот йўналишларидан бири сифатида белгилашга илмий асос бўлиб хизмат қилади.

Сўнгги йилларда таълимда сунъий интеллект (АИ) технологияларидан фойдаланиш масаласи алоҳида илмий йўналиш сифатида шаклланиб кетди. Ҳолмис, Биалик ва Фадел тадқиқотларида АИ асосидаги таълим платформалари ўқув жараёнини шахсийлаштириш, талабаларнинг фаол иштирокини таъминлаш ҳамда мустақил ўқиш фаолиятини қўллаб-қувватлаш имкониятига эга экани қайд этилган [4]. Муаллифлар сунъий интеллектни таълим жараёнида фақат техник восита эмас, балки педагогик таъсир механизми сифатида талқин қиладилар.

Рақамли таълим муҳитида **медиясаводхонлик** масаласи ҳам халқаро миқёсда долзарб аҳамият касб этмоқда. ЮНЕСКО томонидан ишлаб чиқилган концептуал ҳужжатларда медиясаводхонлик XXI асрнинг асосий компетенцияларидан бири сифатида белгиланган бўлиб, у ахборотни танқидий қабул қилиш, манбалар ишончилигини баҳолаш ҳамда медиаматнларни онгли таҳлил қилиш қобилиятларини қамраб олиши таъкидланган [5]. Ушбу ёндашув медиясаводхонликни когнитив ва метакогнитив фаолиятнинг муҳим таркибий қисми сифатида кўриб чиқиш имконини беради.

Х.Кадированинг **“Таълим тизимида медиа саводхонлик ва сунъий интеллектдан фойдаланишнинг афзалликлари”** мавзусидаги мақолада медиясаводхонлик ва сунъий интеллект интеграцияси таълим самарадорлигини оширишнинг муҳим шарти сифатида илмий жиҳатдан асослаб берилган. Шунингдек, медиясаводхонликни талабаларда танқидий фикрлаш, ахборотни таҳлил қилиш ва рақамли муҳитда онгли қарор қабул қилиш қобилиятларини ривожлантирувчи омил сифатида тавсифлайди. Бундан ташқари, мақолада сунъий интеллект асосидаги таълим технологияларининг адаптив ўқитиш, автоматик таҳлил ва ўқув жараёнини оптималлаштиришдаги афзалликлари очиқ берилган [6]. Ушбу хулосалар сунъий интеллект ва медиясаводхонликнинг ўзаро уйғунлиги талабаларнинг мустақил ўқиш фаолияти ҳамда метакогнитив стратегияларини ривожлантиришда муҳим педагогик аҳамиятга эга эканлигини кўрсатади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев 2025 йилнинг 28 ноябр куни Халқаро конгресс марказида сунъий интеллект бўйича халқаро форумнинг тантанали очилиш маросимида иштирок этиб, сунъий интеллектни кенг тарғиб қилиш, иқтидорли ёшларни соҳага янада қизиқтириш, уларни рағбатлантириш ҳамда ёшлар учун янги имкониятлар яратиш мақсадида Ўзбекистонда “5 миллион сунъий интеллект етакчилари” лойиҳасига старт берди.

Шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг “Ёшларни АТ соҳасига жалб қилиш, уларнинг рақамли билим ва кўникмаларини ошириш орқали юқори даромадли касбларга йўналтириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2025 йил 31 декабрдаги 849-сон қарори ҳамда Рақамли технологиялар вазирлигининг 2026 йил 27 январдаги 34-8/704 сон топшириғи билан лойиҳани амалга ошириш ишлари доирасида бир қатор муҳим вазифалар белгилаб берилган

“Сунъий интеллект” атамаси 1956-йилда пайдо бўлган. Шу йилнинг ёзида АҚШнинг Дартмут университетида сунъий тафаккур масалаларига бағишланган илмий анжуман бўлиб ўтган. Унда Клод Шеннон, Натаниел Рочестер, Герберт Саймон, Тренчард Мур, Жон Маккарти ва Марвин Минский каби олимлар иштирок этган. Мазкур анжуманда маъруза қилган америкалик информатика соҳаси олими Жон Маккарти (1927–2011) “Артифисиал Интеллигенсе” (“Сунъий интеллект”) атамаси муаллифи сифатида тарихда ном қолдирган.

Сунъий интеллектнинг фан йўналиши сифатида ривожланиши электрон ҳисоблаш машиналари (ЭҲМ) пайдо бўлганидан сўнг мумкин бўлди. Бу жараён XX асрнинг 40-йилларига тўғри келади. Айнан шу даврда Н. Винер янги фан - кибернетика асосларини яратди. XX асрнинг 80-йилларига келиб сунъий интеллект алоҳида илмий кашфиёт сифатида эътироф этила бошланди. Олимлар ушбу йўналишда дарсликлар ва илмий қўлланмалар ишлаб чиқа бошладилар. Сунъий интеллект муайян вазифаларни бажаришда инсон хатти-ҳаракатларига тақлид қилишга қодир бўлган тизим ёки технология бўлиб, у олинган маълумотлардан фойдаланиш асосида аста-секин такомиллашиб боради. Умуман олганда,

сунъий интеллект на формат ва на функция, балки узлюксиз жараён бўлиб, у маълумотларни йиғиш, қайта ишлаш ва таҳлил қилиш каби босқичларни ўз ичига олади.

Маҳаллий тадқиқотчилардан А. Абдуқодиров таълимда ахборот технологияларидан фойдаланиш талабаларнинг мустақил таълим фаолиятини фаоллаштиришга хизмат қилишини таъкидлайди [7]. Ш. Халилов эса метакогнитив ёндашув асосида ташкил этилган мустақил таълим жараёни талабаларнинг ўқув натижаларини сезиларли даражада яхшилашини илмий жиҳатдан асослаб берган [8]. Метакогнитивлик - бу нафақат ўрганиш жараёнида, балки кундалик қарорлар қабул қилиш, ишларни режалаштириш ва ўз хатоларини таҳлил қилишда ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш мумкинки, АИ платформалари ва медиасаводхонлик элементлари асосида талабаларнинг мустақил ўқиш ҳамда метакогнитив фаолиятини ривожлантириш уларнинг онгли ва масъулиятли фаол иштирокини таъминлайди. Адаптив ва шахсийлаштирилган таълим имкониятларига эга платформалар талабаларнинг индивидуал билиш даражаси ва медиасаводхонлик кўникмаларига мос ҳолда ўқув траекториясини шакллантиради. Бу жараён олий таълим муассасаларида замонавий педагогик технологияларни самарали қўллаш имконини беради. Ўқув траекторияси адаптив ва шахсийлаштирилган таълим концепцияси доирасида таълим олувчининг индивидуал хусусиятлари, жумладан билиш даражаси, когнитив қобилиятлари, медиасаводхонлик кўникмалари ҳамда ўқув фаолияти суръатини ҳисобга олган ҳолда шакллантириладиган мақсадли ва тизимли ўқув йўли сифатида талқин этилади.

Рақамли таълим платформаларида ўқув траекториясини шакллантириш жараёни таълим олувчининг ўқув натижаларини мониторинг қилиш, маълумотларни таҳлил этиш ҳамда сунъий интеллект ва таълим аналитикаси воситалари орқали ўқув мазмуни, топшириқлар мураккаблиги ва тақдим этиш форматларини динамик равишда мослаштиришга асосланади. Мазкур ёндашув ҳар бир таълим олувчи учун индивидуаллаштирилган таълим муҳитини яратишга, таълим самарадорлигини оширишга ҳамда мустақил таълим олиш ва танқидий фикрлаш кўникмаларини ривожлантиришга хизмат қилади. Траектория - бу “ҳамма учун бир хил йўл” эмас, балки ҳар бир талаба учун алоҳида тарзда ишлаб чиқилган индивидуал ўқиш йўлидир.

Таълим жараёнини баҳолаш ва мониторингни кучайтириш АИ платформалари автоматик феедбаск ва таҳлил механизмлари орқали талабаларнинг метакогнитив фаолиятини назорат қилиш ҳамда унинг самарадорлигини оширишга ёрдам беради. Бу эса ўқув жараёнида обектив баҳолаш ва педагогик қарорлар қабул қилишни осонлаштиради. Шунингдек, амалиётда таълим самарадорлигини сезиларли даражада оширишга хизмат қилади.

Сунъий интеллект технологияларини дастурлаш таълимига интеграциялаш замонавий рақамли жамият талабларига жавоб берувчи кадрларни тайёрлашнинг муҳим йўлидир. Тадқиқот натижалари шуни кўрсатдики, педагогик жиҳатдан тўғри йўналтирилган АИ воситаларидан фойдаланиш талабаларнинг дастурлаш компетенцияларини сезиларли даражада оширади, ўрганиш самарадорлигини яхшилади ва индивидуал таълим траекторияларини яратишга имкон беради.

Шу билан бирга, сунъий интеллектга ҳаддан ташқари боғлиқлик хавфини олдини олиш, талабаларнинг критик тафаккури ва мустақил муаммо ҳал қилиш қобилиятини ривожлантиришга эътибор қаратиш зарур. Келажакда ушбу йўналишда чуқурроқ тадқиқотлар олиб бориш, миллий таълим тизимига мослаштирилган АИ-асосли ўқув дастурлари ва методикаларини ишлаб чиқиш долзарб вазифа бўлиб қолмоқда.

ADABIYOTLAR

1. Касавин И. Т.. Энциклопедия эпистемологии и философии науки. М.: «Канон», РООИ «Реабилитация», 2009

2. Hartelt, T. & Martens, H. [Influence of self-assessment and conditional metaconceptual knowledge on students' self-regulation of intuitive and scientific conceptions of evolution.](#) (англ.) // *Journal of Research in Science Teaching*, 61(5).- 2024. - P. 1134-1180.
3. Холодная М. А. Психология интеллекта: парадоксы исследования. 2-е изд., перераб. и доп. — СПб.: Питер, 2002. - 272
4. Holmes W., Bialik M., Fadel C. *Artificial Intelligence in Education.* – Boston: CCR, 2019. – 256 p.
5. UNESCO. *Media and Information Literacy in the Digital Age.* – Paris, 2021. – 98 p
6. Kadirova, X. B. (2025). Taъlim tizimida media savodxonlik va sunъiy intellektdan foydalanishning afzalliklari. *Философия и право*, 31(1), 7-10.
7. Yarashov Sh. T., Halimov Z. S., Axmadov J. O. Masofaviy taъlim platformalarida sunъiy intellektdan foydalanish // *Journal of New Century Innovations.* – 2025.
8. Murodov U. Sunъiy intellektning taъlimda kognitiv va metakognitiv jarayonlarga taъsiri // *Maktabgacha va maktab taъlimi jurnali.* – 2025

REZYUME:

Ушбу мақолада таълимда сунъий интеллект, медиасаводхонлик, талабаларда метакогнитив фаолиятини ривожлантириш каби масалалар кўриб чиқилади.

Калит сўзлар: сунъий интеллект, медиасаводхонлик, мустикал ўқиш, метакогнитив фаолият, рақамли таълим, адаптив ўқув платформалари.

РЕЗЮМЕ:

В данной статье рассматриваются такие вопросы, как применение искусственного интеллекта в образовании, медиаграмотность, развитие метакогнитивной активности у учащихся.

Ключевые слова: искусственный интеллект, медиаграмотность, самостоятельное обучение, метакогнитивная активность, цифровое образование, адаптивные обучающие платформы.

RESUME:

This article examines issues such as the use of artificial intelligence in education, media literacy, and the development of metacognitive activity in students.

Keywords: artificial intelligence, media literacy, independent learning, metacognitive activity, digital education, adaptive learning platforms.